**Йигитни худо ярлақади. Бир қишлоқ наридагилар танимаган камсуқумгина, камтаргина, онасига меҳрибон, аёлига ғамхўр, мўмин-қобилгина йигит эди. Одамлар уни Алланазаров Норали деб аташарди.**



# «НУРЛИ БЎСТОНИМНИ КУЙЛАЙМАН»

**«ЎЗБЕКИСТОН - ВАТАНИМ МАНИМ» РЕСПУБЛИКА ҚЎШИҚ ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ НОРАЛИ АЛЛАНАЗАРОВ СУРАТИГА ЧИЗГИ**

Норали «Ўзбекистон - Ватаним маним» республика қўшиқ танловида зўр чиқди. Биринчи мукофотни олди. Шундан сўнг ҳамма уни Норали Алланазаров деб атайдиган бўлди. Бир қишлоқ наридагилар нима эмиш, бутун Сурхондарёга, Ўзбекистонга танилди.

Бошида сочоғи чеккага тушган бойсуни каллапўш (қалпоқ), сўфиёқа кўйлак. Қўлида дўмбира. Унга жўр бўлиб чиққанларнинг бири елкасига хуржун ташлаб олганмиди-ёв. Хуллас, ўзимиз билган ўша бойсунликлар-да, деб ўйлашувди ҳамма. Қалпоқли йигит жарангдор овозини сеҳрли мусиқага мослаб қўшиқ айтди. Қўшиғининг сўзлари ҳам юракларга яқин эди:

**Менинг она юртимни Ўзбекистон дейдилар,**

**Уни бутун жаҳонда нурли бўстон дейдилар.**

Қўшиғига Сурхондарё бахшиларининг хиргойисини илова қилди. Қўлидаги дўмбирани чертмади. Қўшиқ айта-айта шундаям бир доира ясаб, сўфиёқа кўйлагининг ўнгирларини пириллатиб рақс қилди-ки... Раққос йигит ўзининг саҳнада эканини, бир нуфузли танловга имтиҳон бераётганини унутгандай бўлди. Гўёки у ўзининг қишлоғида. (Қишлоғининг номи - Лойқон. Жарқўрғон туманининг Тўхта Шобуров номли хўжалиги). Ўзининг маҳалласида. Маҳалла - овул ўзининг бахтини, фаровонлигини, тиниқ осмонини, ризқи-рўзини шарафлаб гуриллатиб тўй қилаяпти. У бўлса, шод-шодмонлигини юрагига сиғдиролмаганидан бахшининг дўмбирасини шартта олиб давра ўртасига чиқаяпти. Айтган қўшиғига кўнгли тўлмагандай яна даврани гир-гир айланиб ўйинга тушаяпти. Давра бўлса унинг атрофида айланиб бошлаяпти...

Танлов саҳнига ўша куни Норали бутун қишлоғини олиб чиққандай бўлди. Бутун қишлоқ аҳлининг Ватан ҳақидаги дил сўзларини изҳор ва ижро этгандай бўлди. Ижро бир табиий, бир самимий чиқди-ки, унга биринчи мукофот берилганини эшитганларнинг бирontаси «наҳотки» деган гапни айтмади.

Биз мухбирлар ғолиб одамдан, ғалабанинг боиси нимадир, деб сўраймиз. Шуңга одатланганмиз.

Норалини мен 4-мактабдан топдим. Тикка ўсган сочлари ва сочининг шошқалоқ сартароши тушмагур нотекисроқ қилиб олгани ўзига ярашиброқ турган, йирик-йирик тишлари бир текис, кўзлари полвонларникидай ўктам ва хотиржам, бировнинг гапига диққат билан қулоқ соладиган йигит экан. Биз танишиб улгурмасимиздан директорнинг хонасига ёши олтмишни қоралаган, қирмизи юзи тиниқ, эскироқ дўппи кийган одам кириб келди.

- Бу киши Худойберди ака Дўстмуродов, - деб таништирди уни мактаб директори. - Юз минг мисра шеърни ёддан билади, - деб илова қилди директор беҳудага таништирмаётганига ишора қилиб.

- Ўттиз минг мисра шеърни ёддан билган одам шоир бўлади дейишувди, - дейди Худойберди ака кулиб. - Юз минг мисрани ёдладим ҳамки, шоир чиқмади мендан.

- Шоир чиқмаган бўлса, бағрингиздан шогирдларингиз етишиб чиқди. Мана, Норали Алланазаров...

- Бизда ҳатто, фаррошлар ҳам санъаткор, - дейди Худойберди ака директорнинг гапига эътибор бермагандай бўлиб. - Бултур Марғилон шаҳрида ўтказилган республика «Алла» кўригида мактабимиз фаррош аёллари 3-ўринни эгаллашувди, уларнинг ичида Нораличнинг онаси Химчагул опаям бор эди. Буям Нораличнинг хизмати бўлган. Ёзиб қўйинг. Умуман айтган-да, мактабнинг мусиқа ўқитувчиси, жисмоний тарбия ўқитувчиси, сўнг, меҳнат таълими ўқитувчиси зўр бўлса, зўр ишласа - бас, ўша мактаб жойлашган қишлоқнинг одамлари ўз-ўзидан шуҳрат топиб кетаверади. Умуман, кўп гапириб юбоpяпман. Мен чиқай...

Худойберди ака чиққач, хона бир пас ҳувиллаб қолгандай бўлди.

- Болаликдан қўшиқ айтармидингиз? - деб сўрайман Нораличдан.

- Мен умуман қўшиқчи эмасман. Қўшиқ айтмаганман, - дейди Норали бояги адабиёт ўқитувчисига тақлид қилгандай «умуман» сўзига алоҳида урғу бериб. - Санъатга қизиққанман. Рост... Маданият институтида ўқидим. «Дилрабо» бадиий ҳаваскорлик дастаси раҳбариман...

- Дўмбирани-чи? Черта оласизми?

- Оз-моз. Асосан, доирани ўрганганман.

- Танловда қўшиқни яхши айтдингиз-ку. Профессоналлардай. Танлов «Мўжизалар майдони»га ўхшаш ўйин эмас. Биласиз. Қандайдир тайёргарликлар... замин бўлгандир. Биров-ярим, омадингни синаб кўр деб ундагандир. Ўзингиз қўшиқчи бўлмагансизу, яна қўшиқ танловига чиқаяпсиз. Чиққандаям...

Норали кулди. Кулгани баробари жиддий тортди. Ярим кулиб ва ярим жиддий тортиб айтдики, танловга у 1996 йилдан тараддуд қилган. Бу йилги тайёргарлиги қизиқ бўлди: ҳаёлида бир мусиқа айланиб бошлади. Мусиқа-ки, оромини олиб қўйди. Онаси - Химчагул опа - Нораличнинг тўрт яшарли ўғлига - Қўзибойга янги беқасам тўн тикиб кийгизди. Буни кўриб, бояги, ҳозирча номи йўқ мусиқа унинг бўғзига келгандай бўлди. Телевизору радиодан дунёнинг паст-баланд гапларини эшитганда ва ўша гапларни ўз қишлоғи билан беихтиёр таққослаганда ҳалиги мусиқа қулоғига чалингандай бўлиб бошлади.

Ай, шу мусиқага бир сўз - шеър танлаб кўрайчи, деди. Бир кун шеър китобларини варақлади. Мос келадиганини тополмади. Сўнг буям бир таваккал деб, янги ўн икки варақли дафтарни олди-да, шеър ёзди:

**Менинг она юртимни Ўзбекистон дейдилар...**

Авайлаб хиргойи қилиб кўрди. Яхши, сўз оҳангга уйқаш. Фақат овоз керак. Ана шундан сўнг Норали овозини созлаб бошлади. Буларнинг ҳаммаси шунчаки, бир қизиқиш билан содир бўлди. У иккинчи марта - 1997 йилда республика танловига қатнашишига ишончи йўқ эди. Нима учундир, мени барибир Термиздан қайтарса керак, деб ўйларди. Мусиқани ўйлаганда, шеър ёзганда, ёзганини қўшиқ қилиб айтганда, бу изланиши унга шуҳрат келтириши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Норали биринчи бор қўшиғини ўзининг уйида, токнинг соясидаги лойсупада онасига ва ўғли Қўзибойга айтиб берди. Онаси болажоним, бу рақсга тушиб айтадиган қўшиқ бўпти. Майкл бор-ку, америкалик (Химчагул опа Майкл Жексон санъатидан бохабар) шунга ўхшаб...

- Йў-ўғ... Майклдай рақс тушолармидим, - деб кулди Норали онасига.

- Сен, болам, америкача эмас, ўзбекча рақсга тушасан. Ўзбекнинг ҳам бир рақслари борки, уни Майкл кўрса оғзи очилиб қолади.

Онасининг гапи далда бўлиб, Норали рақсни машқ қила бошлади. Клубда доирачи билан иккалалари қолиб, бешолти соатлаб машқ қилди. Ва бир кун туман марказига борди-да, ҳа, десанглар Термиздан ўтсам-ўтмасам шу қўшиғим билан «Ўзбекистон - Ватаним маним»га қатнашиб кўрайин, деди.

Термизда биринчи ўрин очиқ қолдирилди. Нораличнинг чиқишига иккинчи ўрин берилди. Тошкентда бўлса - биринчи ўрин!..

Нораличдан бугунги ишлари, режаларини сўрайман.

- Тўйларга бораяпман. Қўшиқ айтгани-да. Тўй овозни очар экан, - деб кулади Норали. - Шу... Кейин, мухбир ака, «замин» деган гапни айтдингиз. Замин... нима?

- Замин - пойдевор дегани, ё бўлмасам илдиз, томир дегани. Шундайми, - деб гапга қўшилди мактаб директори Суюн Эргашев.

- Ҳа-а, - деди Норали нимандидир англагандай бўлиб. - Худойберди ака, бояги адабиёт муаллими бор экан-ки, мен шеър ёздим. Ёза олдим. Қўшнимиз - Ойсоат опа бизга қўшиғимизга мослаб либослар тикиб берди. Абдулла Амиров - қишлоғимизда техника механиги, ҳов, елкага хуржун ташлаб, саҳнага чиққан одам, маҳкам бўл бола, деб суянчиқ бўлди. Ўқувчи укаларим - Муҳаббат, Наргиза, Шаҳноза, Нодира менга жўр бўлиб рақсга тушди. Қишлоғим, элим, бутун Ўзбекистоним... Шу юртнинг бир қўшиқчи боласиманда мен. Шу...

**Олимжон УСАНОВ.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

# БУТУН ИОРДАНИЯ ХАЛҚИ БАЙРАМИ

**Иордания миллий байрами -- подшоҳ таваллуд топган кун арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Валид Мажид Ал-Саад билан суҳбатлашди.**

**-- Жаноб Элчи, 14 ноябрда мамлакатингиз халқи миллий байрам -- подшоҳ таваллуд топган кунни нишонлайди. Мамлакат сиёсий тизимида монарх институтининг роли ҳақида гапириб берсангиз.**

-- Иордания араб дунёсининг марказида жойлашган. 1921 йилда подшоҳ Абдулла Бин Ал-Ҳусайин даврида суверен давлат сифатида тан олинди. У подшоҳлик қилган даврда мамлакатнинг асосий қомуси қабул қилиниши билан ҳуқуқий давлат қуриш учун замин яратилди. Биз 1952 йилги Конституциямизни демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда унинг ижтимоий ва маданий фаолияти ўрнатилиши соҳасидаги энг илғор Конституцияларимиздан бири деб ҳисоблаймиз.

Бугунги подшоҳ Ҳусайин Бин Талал давлат ҳамда ҳукумат раҳбаридир. Иордания Конституциясида уч ҳокимият ифодаланган: ижро этувчи (подшоҳ ва ҳукумат); қонун чиқарувчи -- тўрт йилга сайланадиган ноиблар палатаси ва сенат (подшоҳ кенгаши)дан иборат Миллий мажлис; подшоҳ томонидан тайинланадиган суд ҳокимияти. Суд ҳокимияти ҳукумат фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас, бу масъулият қонун чиқарувчилар зиммасига юклатилган.

Қонунлар парламент тасдиғидан сўнг сенаторлар томонидан қабул қилинади. Ўз тасдиғини топмаган муаммолар иккала палатанинг қўшма мажлисида маслаҳатлашув йўли билан ҳал этилади. Қонун подшоҳ имзо чекканидан кейин кучга киради.

Иордания Конституциясининг 15-моддасига биноан мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қонунга зид бўлмаган тарзда ўз фикрини ҳар қандай шаклда эркин ифода этиш ҳуқуқига эга. Конституция барчанинг қонун олдида тенглигига, матбуот эркинлиги, суднинг мустақиллигига кафолат беради.

Подшоҳ Ҳусайин Бин Талал Жаноби Олийлари 1935 йилнинг 14 ноябрида таваллуд топган. Ушбу санани нишонлашимизнинг боиси шундаки, подшоҳнинг оқилона бошқаруви туфайли Иордания иқтисодиёт, технология, ахборот, транспорт коммуникацияси, ижтимоий ва маданий соҳаларда, хусусан маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларида улкан ютуқларга эришди.

**-- Ушбу байрам билан боғлиқ тантаналар одатда қандай ўтади?**

-- Подшоҳнинг туғилган кунини нишонлаш одамларнинг шахсий ташаббусларидан келиб чиқувчи халқ анъанасига айланган ва у ҳеч қандай протокол маросимларисиз ўтказилади. Одатда бу байрам оилалар даврасида оддий бир тарзда нишонланади. Подшоҳ шу куни ўз ватандошлари ва бошқа давлатлар раҳбарларидан табрик мактублари ва телеграммаларини олади.

**-- Ўзбек-иордан муносабатларининг бугунги ҳолати тўғрисида нималар дея оласиз?**

-- 1991 йилда Ўзбекистон Мустақилликка эришиши ва ўзининг ривожланиш йўлини танлаши Президент Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати туфайли юзага чиқди. Ўзбекистон Президенти бутун дунё мамлакатлари билан ўзаро фойдали алоқаларнинг мустаҳкамланишини таъминловчи давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати ва мамлакат фуқароларининг тинч яратувчилик меҳнати кафолатидир.

Бизнинг халқларимиз ўртасида қатор ўхшашлик жиҳатлар бор. Сизнинг мамлакатингиз маънавий ва иқтисодий имкониятлар эгаси бўлгани учун Иордания Ўзбекистон билан алоқаларни тобора кенгайтирмоқда.

Мен учун Иорданиянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси бўлиш шарафлидир. 1994 йилда давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ана шу даврдан бошлаб биз ўзаро фойдали ҳамкорлик тараққиёти сари интилаяпмиз. 1996 йилнинг август ойида Тошкентда ўтказилган Иордания маҳсулотлари кўргазмаси ана шу ҳамкорликнинг илк босқичи бўлди. Унда Подшоҳликнинг кўплаб ширкатлари ва ишбилармонлари иштирок этдилар. Мазкур кўргазманинг муваффақиятли ўтказилиши бизни Тошкентда Иордания савдо палатаси ёки савдо марказини ташкил этиш имкониятларини ўйлаб кўришга мажбур қилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда қатор қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда иорданиялик ўнлаб талабалар олий мактабларда ўқишни давом эттирмоқдалар. Фақат ўтган ойнинг ўзида бу ерда қиролликнинг 4 фуқароси кандидатлик диссертациясини ёқлади. Мен ушбу воқеаларда иштирок этдим ва шахсан гувоҳлик беришим мумкинки, улар олган билим жаҳондаги ривожланган давлатлар андозаларига мосдир.

1996 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Иорданияга расмий ташрифи алоқаларимиз тараққиётининг муҳим босқичи бўлди. Ташриф чоғида мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва ҳаво қатнови соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувлар имзоланди.

Ҳозирги пайтда иқтисодиёт, фан, маданият ва туризм соҳаларида келишувлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Ишонаманки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик имкониятлари яқин келажакда ўзининг ҳаётий аксини топади.

**Сергей ҚУРБОНОВ,**
**«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ


# Видеомагнитофони

Winner Diamond Head HiFi VCR
SVR-140D
Advanced Deck Technology

ОЛМОСДАН ЯСАЛГАН ВИДЕОКАЛЛАКЧАНИНГ КАФОЛАТИ - 5 ЙИЛ






- Юқори тезликда ўраш "Реактив привод"
- Ўта тез старт
- Челнок усулида бошқариш
- Таймерга кўмаклашиш
- Олд панелда аудио ва видеокириш
- Аудиомонтаж
- 4 дастур/1 ойга дастурлаш таймери
- Рақамли автотрекинг
- LP (Long Play) режими
- Болалардан муҳофаза қулфи
- Мутлоқ узатмасиз видеомагнитофон
- OTR (One Touch Recording) - бир тугмачани босиб ёзиш
- Юқори технологик цеплар
- Индекс бўйича қидирув
- Секинлатиб кўрсатиш
- Тез қидирув
- Нусха кўчириш
- Стоп-кадр ва кадрларни қайта тиклашнинг афзал сифати
- Тўла автомат усулида ишлаш
- Катта дисплей
- Рус тилида дастурлаш

## Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | Тошкент | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | Тошкент | Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | Тошкент | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | Фарғона | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | Андижон | Мустақиллик кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |

Technology that works for life
SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алмати офиси:
Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

SAMSUNG



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг
SUVMASH
"SUVMASH"

насослар ва электр машиналари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш заводи (собиқ ЦБ ЭСРПП)

илгари МДҲ мамлакатларидан келтириладиган электр насос агрегатларининг қуйидагиларини ишлаб чиқаради ва сотади:

ЭЦВ 8-16-160М, ЭЦВ 8-40-60М,
ЭЦВ 10-120-80М, ЭЦВ 10-120-55М,
ЭЦВ 10-120-30М, ЭЦВ 10-160-35М(Г),
ЭЦВ 10-160-15М, ЭЦВ 12-255-30М(Г).

"К" русумли, тагликка ўрнатилган электр насослар;

Д 320-50М, Д 630-90М, Д 1250-65М,
Д 1250-125М, А50ГО (СНПЭ 500/10), А40ГЦ.

русумли ётиқ электр насослар.

188

700182, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Факс: (3712) 90-34-31, 90-39-15, Телефон: (3712) 195-18-22, 195-18-21.


Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати, «Иқтисод ва менежмент» кафедраси жамоаси шу кафедра доценти, иқтисод фанлари номзоди

**Анвар ЗОКИРОВнинг**

вафоти муносабати билан унинг оиласига ва дўстларига чуқур таъзия билдиради.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти ректорати ва жамоаси ижтимоий кафедрасининг доценти

**Карим ХУДОЙҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти жамоаси бурғилаш бўлими бошлиғи Саидрасул Ғозиевга отаси

**Саидрашид ҒОЗИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, тиббиёт, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0747, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6